

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 07/13.05.20.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯНГИЕВ ҒАЙРАТ АВЕЗХОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Янгиев Ғайрат Аvezxonovich**

Жиноят ишларини юрителида далилларга баҳо бериш институтини  
такомиллаштириш..... 3

**Yangiyev G'ayrat Avezxonovich**

Improving the institute of assessing evidence in Criminal  
proceedings..... 23

**Янгиев Ғайрат Аvezxonovich**

Совершенствование института оценки доказательств в уголовном  
судопроизводстве..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 07/13.05.20.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯНГИЕВ ҒАЙРАТ АВЕЗХОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ү98 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тулаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рахмонова Сурайё Махмудовна юридик фанлар доктори, доцент Муродов Бахтиёржон Баходирович юридик фанлар доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Ү9.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 15 ноябрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (989-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (998971) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2021 йил 03 ноябрда тарқатилди.

(2021 йил «03» ноябрдаги № 4 - рақамли реестр баённомаси).



  
У.А.Тухташева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

  
Д.Г.Камалова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
Н.С.Салаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлашга, далилларнинг қонун талаблари ва суд назорати остида, тортишув ҳамда тарафларнинг тенглиги тамойиллари асосида баҳолаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида муҳокама қилинган муҳим вазифалар қаторида одил судловда инсон ҳуқуқлари кафолатларининг демократик принципларига амал қилиш юзасидан қонун устуворлигини таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар берилди. 2020 йилда дунё давлатларининг 35%да қонун устуворлиги индекси (WJP) бўйича аҳвол оғирлашган, 42%да эса ўзгаришсиз қолган. Ўзбекистон Республикаси 0,47 балл билан аҳволи яхшиланган 38 та давлатлар қаторидан жой олиб, дунёда 92-ўринни эгаллаган<sup>1</sup>. Ушбу ҳолат мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида далилларга баҳо бериш тизимида қонун устуворлигини таъминлашни, далиллар мақбуллиги шартларига биноан тергов ва процессуал ҳаракатларни сифатли амалга оширишни, далилларни баҳолаш субъектлари фаолиятини ўрганиб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда суд-тергов фаолиятида далилларга баҳо бериш бўйича замонавий ва самарали механизмларни жорий этиш, халқаро стандартларга мувофиқ суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида далилларга баҳо бериш процессуал фаолиятини конституциявий принципларга кўра мустаҳкамлаш, дастлабки терговда шахсларга нисбатан турли тазйиқларнинг олдини олиш учун халқаро принциплар устуворлигини таъминлаш, далилларни баҳолаш тизимини янада яхшилашда халқаро тажрибадан фойдаланиш ва амалиётда учраётган айрим муаммоларга ечим топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикаимизда жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан такомиллаштириш ва суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш<sup>2</sup> мақсадида кенг қамровли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, халқаро исботлаш стандартлари тамойиллари асосида далилларга баҳо бериш тизимини қайта кўриб чиқиш, далиллар ишончилиги, алоқадорлиги мақбуллиги ва етарлилиги масалаларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, жиноят-процессуал қонунчилигида мақбул эмас деб топилган далиллардан фойдаланишга йўл қўймаслик, далилларга ички ишонч ва ҳуқуқий онг асосида баҳо беришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда далилларни баҳолаш субъектларининг масъулиятини кучайтириш вазифалари мавзунинг долзарблигини ўзида ифодалайди. Далилларга баҳо

---

<sup>1</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

беришда қонунийлик, холислик ва адолатни таъминлашга имкон берувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, далилларни баҳолаш субъекти томонидан далилларнинг ҳақиқатга мувофиқлиги масаласига жиддий ёндашиш талаби мавзунини ўрганиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Судлар томонидан охириги беш йилда оқланган шахслар сони 2956 кишини ташкил этгани<sup>1</sup> (2017 й – 263 та, 2018 й – 867 та, 2019 й – 859 та, 2020 й – 781 та ва 2021 й 1-чорақда – 186 та) далилларга баҳо бериш тизимининг такомиллашиб бораётганидан дарак беради. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигидаги янги институтлар, яъни кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, шахснинг айбига иқрорлик тўғрисида келишувга эришилиши шартлари, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув тартиби ва суд қарорларини қайта кўриш ҳолатлари ҳамда номақбул далилларнинг жиноят ишидан чиқариб ташлаш асосларининг кенгайтирилиши далилларга баҳо бериш тизимини янада такомиллаштириш муҳимлигини аниқлатмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 й), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 й), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020 й) фармонлари ва «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 й) Қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ва уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жиноят процессида далилларга баҳо бериш тизимига оид айрим жиҳатлар миллий олимлардан: Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Ш.Х.Иномжановлар далиллар назарияси муаммоларига, Б.А.Азизходжаев жиноят процессида далилларга баҳо бериш масалаларига, Ф.М.Муҳитдинов жабрланувчи ҳақида таълимот асосларига, Б.Ҳ.Пўлатов далилларни баҳолаш субъекти сифатида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати хусусиятларига, Д.М.Миразов терговга қадар текширув органлари фаолиятида далилларнинг ўрнига, Г.З.Тўлаганова далилларнинг назарий хусусиятларига, У.А.Тухташева суд хатоларида далилларнинг аҳамиятига, С.М.Рахмонова дастлабки эшитув институтида

---

<sup>1</sup> [https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/jib\\_2021\\_03.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/jib_2021_03.pdf)

далиллар номақбуллиги шартларига, Б.А.Ражабов жиноят процессида далилларга баҳо бериш хусусиятларига ўз асарларида тўхталиб ўтганлар.

МДХ давлатларида илмий фаолият олиб боровчи олимларидан: М.С.Строгович моддий ҳақиқат тамойилларини, Э.Ф.Куцова далилларнинг жиноят-процессуал қарорлар қабул қилишдаги аҳамиятини, П.С.Абдуллаев Россия жиноят-процессуал қонунчилигида далилларнинг мазмун-моҳиятини, Н.В.Савельева жиноят процессида далил ва исботлаш муаммоларини, В.Я.Дорохов жиноят процессида далиллар назариясини, А.П.Белкин исботлаш назариясини, Н.А.Громов жиноят процессида далилларни баҳолаш масалаларини, Ю.Ю.Воробьева Россия жиноят процессида исботлаш жараёнининг замонавий муаммоларини, Е.А.Снегирев далилларни ички ишонч асосида баҳолашни, М.А.Кунашев далилларга баҳо беришда терговчининг фаолиятини ўз илмий асарларида ёритиб берганлар.

Хорижий мамлакатларда илмий фаолият олиб боровчи олимларидан: И.Кант далилларни баҳолаш субъектлари фаолиятида мантиқ категориялари, N.Schmid Швецария жиноят процесси қонунчилигида далиллар мақбуллиги, Jeremiah J.Rayner АҚШда тергов жараёнларини қайта баҳолаш (University of Southern Mississippi), Andreas Kangur жиний далиллар қоидалари (University of Glasgow), Albert Antwi-Boaslako рақамли далилларни баҳолаш моделлари (University of Pretoria) каби масалаларда тадқиқот ишлари амалга оширилган<sup>1</sup>.

Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликда далилларга баҳо бериш институтининг барча жиҳатларини алоҳида ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидан «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш»нинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят-процессуал қонунчиликда далилларга баҳо бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ва унинг мезонларини айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят процессида далил турларини тадқиқ этиш, такомиллаштириш ва бу борада таклифлар ишлаб чиқиш;

далилларга баҳо беришнинг мазмун-моҳияти, тамойилларини ҳамда тарихий ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

далилларга баҳо бериш субъектлари фаолиятини ўрганиш, далилларни тўплашда ва баҳо беришда адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

далилларнинг мақбул ёки мақбул эмаслиги мезонларини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш шартларини ўрганиш;

далилларнинг ишончлилиги ва уларнинг ҳақиқатга мувофиқлигини аниқлаш усулларини таҳлил этиш;

далилларнинг ишга алоқадорлиги ва уларни жиноят иши учун аҳамиятли деб топиш асосларини тадқиқ этиш;

жиноят иши бўйича якуний хулосаларни баҳолаш учун далилларнинг етарлилигини таҳлил этиш;

далилларга баҳо беришнинг мантиқий тизими, субъект тафаккури ва унинг фикрлаш қонуниятларининг ривожланиш истикболларини ўрганиш;

далилларга баҳо беришда ички ишонч ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш;

далилларга баҳо беришда қонунга амал қилиш ва ҳуқуқий онга таяниб иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

суд тергов соҳасида далилларга баҳо бериш юзасидан хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини кўриб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш процессуал фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят процессида далилларга баҳо беришни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, халқаро исботлаш стандартлари, суд-тергов соҳасида далилларга баҳо бериш амалиёти ва тенденциялари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда амалий таҳлил, анализ ва синтез, илмий-тарихий, илмий-назарий, илмий-статистик ва киёсий-ҳуқуқий усуллардан фойдаланилган. Социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотлар таҳлили ва жиноят иши материалларини ўрганиш тадқиқот ишининг ишончлилиги ва сифатини таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳимоячининг жиноят иши бўйича процессуал ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида уларга далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳамда ушбу материаллар жиноят ишига қўшиб қўйилиши лозимлиги хусусидаги таклиф асослантирилган;

жиноят процессида ҳимоячининг мустақиллигини ва тарафларнинг тортишув принципини амалда таъминлаш мақсадида улар томонидан тақдим этилган далиллар суриштирув, дастлабки тергов ҳамда ишни судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги хусусидаги таклиф асослантирилган;

далилларга баҳо бериш институти иштирокчилари сифатида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчи иштирокидаги айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ва ушбу жараён натижаларини далиллар мақбуллиги шартлари асосида процессуал қайд этиш зарурати хусусидаги таклиф асослантирилган;



далилларни баҳолаш субъектлари ўз ташаббуси билан айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши ёки ушбу жараён жиноят процессининг бошқа иштирокчилари илтимосномасига кўра ҳам ўтказилиши мумкинлиги хусусидаги таклиф асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жиноят процессида далилларга баҳо беришни такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш асосларини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати асослантирилган;

далилларга баҳо бериш субъектлари саналган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари таҳлил этилган;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг далилларга баҳо беришда ички ишончини шакллантирувчи омиллар аниқланган ва таснифланган;

жиноят иши бўйича далилларни баҳолаш субъекти жиноят ишида фақат текширилган, баҳоланган, процессуал қайд этилган ва мақбул деб топилган далиллардан фойдаланишини қонунда мустаҳкамлаш, шунингдек мақбул эмас деб топилган далиллар асосида қарор қабул қилиш ёки ҳукм чиқаришда улардан фойдаланишнинг тақиқланиши асослантирилган;

далилларнинг номақбуллиги юзасидан уларни баҳолаш жараёнида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш мақсадида, дастлабки терговда тақиқланган қонунга хилоф усуллардан фойдаланишга йўл қўймаслик чоралари таҳлил қилинган;

ҳимоячининг ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида, уларга далилларни тўплаш ва улар томонидан тақдим этилган маълумотлар, далилларни баҳолаш субъектлари томонидан жиноят ишларини юритиш мобайнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95 ва 95<sup>1</sup>-моддаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

далилларга баҳо бериш субъектлари масъулиятини янада ошириш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликка далилларни ички ишонч асосида баҳолаш принципини киритиш зарурати юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

электрон-техник қурилма ёки воситалар ёрдамида чоп этилган, юборилган ва алмашилган жиноят иши учун аҳамиятли бўлган маълумотларни рақамли (электрон) далил деб топиш ва уларни баҳолаш тартиби бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижалари айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий жиноят-процессуал ҳуқуқи нормаларини таҳлил қилиш, сўнгги йилларда қабул қилинган фармон, қарор ва қонунлар ҳамда уларни қўллаш амалиёти, илмий, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига асосланган. Бу борадаги таклиф, тавсиялар, назарий, амалий ва илмий таҳлиллар ҳамда

тегишли хулосалар апробация натижалари юзасидан таҳлил қилиниб, нуфузли хорижий ва миллий нашрларда эълон қилинган. Тадқиқот доирасида 250 дан ортиқ жиноят иши материаллари ўрганилган ва ижтимоий сўров (350 нафар профессор-ўқитувчилар, суд-тергов соҳаси вакиллари ва адвокатлар ўртасида) ўтказилган ҳамда эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагиларда ўз тасдиғини топган:

тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий қоидалар ва билимлар келгусида жиноят-процессуал қонунчиликнинг янада бойитилишига хизмат қилади; тадқиқот ишида ўз аксини топган илмий таҳлиллар, илгари сурилган ғоялар жиноят-процессуал қонунчилиги ривожига кўникма сифатида хизмат қилади; тадқиқот ишида хорижий ва миллий олимларнинг илмий асарларини ўрганилганлиги жиноят процессуал қонунчилигида мавжуд қоида, тушунчаларнинг янада такомиллашуви учун манба сифатида хизмат қилади; тадқиқот натижалари ушбу мавзуда олиб бориладиган янги тадқиқотлар учун таҳлилий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйидагиларда ўз тасдиғини топган: тадқиқот ишининг амалий хулосалари, турли таклиф ва тавсиялардан келгусида қонун ижодкорлигида фойдаланиш мумкин; тадқиқот натижалари амалдаги жиноят процессуал қонунини такомиллаштиришга ва мавзуга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга хизмат қилади; суд-тергов ходимларининг қонунни қўллаш амалиётида фойдаланиш мумкин; тадқиқот ишидаги назарияни бойитилишига хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларидан олий юридик таълим муассасаларида жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноят процессида далиллар ва исботлаш ҳамда далиллар назарияси фанлари ўқитилишида фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш институтини тадқиқ этиш натижалари асосида:

ҳимоячининг жиноят иши бўйича процессуал ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида уларга далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳамда ушбу материаллар жиноят ишига қўшиб қўйилиши лозимлиги хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 21 октябрдаги 06/1-06/2822 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жиноят ишларини юритишда ҳимоячи ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга хизмат қилган;

жиноят процессида ҳимоячининг мустақиллигини ва тарафларнинг тортишув принципини амалда таъминлаш мақсадида улар томонидан тақдим этилган далиллар суриштирув, дастлабки тергов ҳамда ишни судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 21 октябрдаги 06/1-06/2822 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида тортишув принципининг амалда таъминланишига хизмат қилган;

далилларга баҳо бериш институти иштирокчилари сифатида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчи иштирокидаги айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ва ушбу жараён натижаларини далиллар мақбуллиги шартлари асосида процессуал қайд этиш зарурати хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91<sup>1</sup>-модда биринчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 21 октябрдаги 06/1-06/2822 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракатлари натижаларини баҳолашда далиллар мақбуллиги шартлари асосида қайд этиш механизмлари жорий этилишига хизмат қилган;

далилларни баҳолаш субъектлари ўз ташаббуси билан айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши ёки ушбу жараён жиноят процессининг бошқа иштирокчилари илтимосномасига кўра ҳам ўтказилиши мумкинлиги хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 21 октябрдаги 06/1-06/2822 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши далилларга баҳо бериш субъектлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан илмий журналларда 12 та мақола (2 та хорижда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш институти назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида далиллар ва далиллар тизимининг умумий хусусиятлари, далил тушунчаси, турлари, шакллари ва процессуал мазмун-моҳияти, далилларга баҳо бериш тушунчаси, тамойиллари, тарихий ривожланиш босқичлари ҳамда далилларни баҳолаш субъектлари, ҳимоячи ва бошқа шахсларнинг иштирокининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида бир қанча олимларнинг (Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Ш.Х.Иномжановлар, Б.А.Азизходжаев, Ф.М.Муҳитдинов, Б.Ҳ.Пўлатов Д.М.Миразов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, С.М.Рахмонова, Б.А.Ражабов, Н.В.Савельева, Е.А.Снегирев, Albert Antwi-Boaslako) далиллар назарияси муаммоларига, далилларга баҳо бериш масалаларига, далилларни баҳолаш субъекти сифатида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати хусусиятларига, далилларнинг назарий хусусиятларига, дастлабки эшитув институтида далиллар номақбуллиги шартларига, рақамли далилларни баҳолаш моделларига бағишланган илмий асарлари таҳлил этилди.

Жиноят процессида далиллар назарияси ва далиллар тушунчасига оид хорижий ва миллий процессуалист олимларнинг фикрлари, илмий қарашлари таҳлил қилиниб, далил сифатида: жиноят содир этилганлигини тавсифловчи ахборотлар; далилларни баҳолаш субъекти томонидан жиноятга алоқадор маълумотлар; жиноятнинг содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлар; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслигини тасдиқловчи маълумотлар; жиноят ишига жалб этилган иштирокчилар томонидан берилган кўрсатувлар; жиноят ишига тааллуқли бўлган фотосуратлар, аудио (видео) ёзувлар; электрон (рақамли) далиллар; суд-тергов ҳаракатларини расмийлаштириш натижасида юритиладиган баённомалар ва бошқа ҳужжатлар; ҳимоячи томонидан тўпланган маълумотлар; жиноят иши хусусидаги ҳолатларни рад этувчи ва тасдиқловчи маълумотлар; бошқа жиноятларнинг очилишига асос бўлувчи маълумотлар; далилларни баҳолаш субъектининг текширувлари натижасида ҳақиқатга мувофиқлиги аниқланган маълумотлар; мақбуллик нуқтаи

назаридан баҳоланган ҳақиқий маълумотлар процессуал қайд этилиши ва тан олиниши муаллиф томонидан асослантирилган.

Далилларнинг энг муҳим жиҳатлари сифатида: жиноят содир этганлигини тасдиқлайдиган, рад этадиган ва бошқа жиноятлар очилишига асос бўладиган фактик маълумотлар эканлиги; инсон онгига ташқи таъсир натижасида пайдо бўлувчи фактик ёки факт билан боғлиқ бўлмаган маълумотлар эканлиги; жиноят процесси босқичларида одиллик мезонларини таъминловчи ягона асос эканлиги; ҳақиқат мезонлари ўзида акс эттирган воқеа, ҳодиса, ҳолат, ўтмиш ва бугунга тегишли бўлган фактлар ҳамда ахборотлар манбаи эканлиги асослантирилган.

Диссертант томонидан бугунги кунда интернет тармоқлари орқали ва электрон курилмалар ёрдамида содир этилаётган жиноятлар сонининг ортиши натижасида кўплаб дуч келинаётган янги далил тури сифатида **электрон (рақамли)** далилларни тўплаш, далилларнинг мақбуллиги нуқтаи назаридан процессуал қайд этиш механизмлари, уларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганилган.

Шунингдек, рақамли далилларни тўплаш ва баҳолаш имкониятларини берувчи янги тергов ҳаракати, яъни далилларни баҳолаш субъекти томонидан **онлайн тинтув ўтказиш** хусусида норма таклиф этилди.

Онлайн тинтув ўтказишнинг муҳим хусусиятлари сифатида терминалларга, кўплаб дастурлар ва маълумотлар сақланаётган хотира базаларига кириш орқали далиллар тўплашдан иборатлиги муаллиф томонидан асослантирилган. Бу борада далилларни тўплаш учун рақамли (электрон) платформадан фойдаланувчиларнинг идентификацияси (логин, парол, биометрик маълумотлар) ёки уларнинг авторизациясини (фойдаланиш қоидалари) билиш талаб этилиши тадқиқ этилган.

Далиллар хусусиятига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Жумладан, Швейцария қонунчилигида далиллар хусусиятининг мазмун-моҳиятида далилларнинг ишончилиги, мақбул ёки мақбул эмаслиги, жиноят ишига алоқадор далилларнинг чегараланмаганлиги, уларга қўйилаётган талаблар каби муҳим омиллар ўрин эгаллаши таҳлил этилган.

Шунингдек, муаллиф томонидан жиноят процессида далилларга баҳо бериш тушунчаси ва унинг мазмуни юзасидан қуйидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган:

1) жиноят ишларини юритишда далилларга мустақил ва эркин тарзда баҳо берилади, бу борада далилларни баҳолаш субъекти ҳуқуқ ижодкорлиги масаласидан фойдаланади;

2) далилларни баҳолаш субъектининг далилларга баҳо беришдан келиб чиқадиган хулосаларининг мазмунига ташқаридан қандайдир кўрсатмалар асосида таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди;

3) далиллар ҳар томонлама, тўла ва холисона баҳоланиши шарт, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг айбини фош этадиган ёки уни оқлайдиган барча далиллар ўрганиб чиқилиши ҳамда бошқа далилларга қиёсланиши лозим;

4) далилларни баҳолаш субъектининг жиноят иши бўйича хулосалари далиллар мажмуига асосланиши керак ва далиллар мажмуини баҳолаш жиноят ишларини юритишда диалектиканинг муҳим талаби – ўрганилаётган ходисага ҳар томонлама ёндашиш, ундаги барча алоқаларни бевосита кўриб чиқиш лозимлигини акс эттиради, шунингдек, далилларга баҳо бериш далиллар ўртасидаги сабабий боғланишларни аниқлаш, ишга алоқадор бўлмаган маълумотларни жиноят ишидан чиқариб ташлашдан иборат;

5) жиноят ишининг ҳар бир босқичи якуни сифатида қарорлар қабул қилинганида далилларга баҳо бериш натижалари тегишли процессуал ҳужжатларда баён этилиши лозим ва айблов далолатномаси, айблов хулосаси, ҳукм, ишни тўхтатиш ҳамда ишни тугатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримларнинг қабул қилинишига оид қонуний асослар мавжудлигини кўрсатувчи далилларнинг батафсил таҳлили ўрин олган.

Тадқиқотчининг фикрича, қуйидаги масалаларни аниқлаш мақсадида далилларга баҳо беришни амалга ошириш лозимлиги келтириб ўтилган:

а) далил ёки далиллар мажмуининг кўрилаётган жиноят ишига тааллуқлилиги; б) далилнинг иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан боғлиқ эканлиги, бу боғлиқликнинг иш учун аҳамияти ва зарурати масалалари; в) далилларнинг ҳақиқатни аниқлашдаги аҳамияти, далиллар мажмуининг процессуал қарор қабул қилишга асос қилиб олиниши учун етарли эканлиги; г) далилдан иш бўйича жиноят процессининг барча босқичларида фойдаланиш мумкинлиги.

Жиноят процессининг принциплари қаторига «**Далилларни ички ишонч асосида баҳолаш**» деб номланган янги принцип киритилиши таклиф этилган ва асослантирилган.

Шунингдек, муаллиф томонидан далилларга баҳо беришнинг қуйидаги принципларига асосланиши таҳлил этилган:

- 1) далилларга баҳо беришда қонунийликка таяниш;
- 2) ишончлилик, алоқадорлик, етарлилик, мақбул ёки мақбул эмаслик шартларини ҳал этиш;
- 3) далилларни ички ишонч асосида мустақил, эркин ва виждонан баҳолаш;
- 4) ички ишонч тўпланган, текширилган ва фойдаланилган далиллар мажмуига берилган баҳога асосланади;
- 5) далилларга баҳо беришда жиноят ишига одиллик ва холислик асосида ёндашиш;
- 6) далилларни баҳолаш субъектлари далилларга баҳо беришда ҳуқуқий онг асосида хулоса чиқариши.

Далилларга баҳо бериш субъектларининг фаолиятида қуйидаги омиллар муҳим ўрин эгаллаши муаллиф томонидан таҳлил этилган: а) жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг далилларга баҳо бериши ўз иш юритувига олган бошқа мансабдор шахслар учун мажбурий эмаслиги; б) биринчи инстанция судида баҳоланган далилларнинг юқори инстанцияда баҳоланиши мажбурий эмаслиги;

в) жиноят процессининг ҳар бир босқичида олдинги босқичдаги далиллар қайтадан текширилиши шартлиги; г) юқори турувчи суриштирув ва тергов органларининг далилларга баҳо бериши ишни юритаётган қуйи турувчи орган учун мажбурий эмаслиги; д) дастлабки тергов органлари учун процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан тушунтиришлар, кўрсатувлар, илтимосномалар, хулосалар орқали далилларга баҳо берилиши мажбурий эмаслиги;

Диссертациянинг «**Жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш мезонлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда далилларнинг мақбул ёки мақбул эмаслиги ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги шартлари, далилларнинг ишончилиги ва уларнинг ҳақиқатга мувофиқлигини аниқлаш, далилларнинг ишга алоқадорлиги ва уларни жиноят иши учун аҳамиятли деб топиш асослари ҳамда далилларнинг етарлилиги ва жиноят иши бўйича якуний хулосаларни баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида далиллар мақбуллиги шартлари таҳлил қилиниб, турли таклиф ва тавсиялар асослантирилган. Шунингдек, далиллар мақбуллигининг қуйидаги жиҳатлари таҳлил этилишининг мақсадга мувофиқлиги муаллиф томонидан асослантирилди: маълумотлар олинган манбаларнинг мақбуллиги; тергов-суд ҳаракатлари натижалари ва жараёнларини қонуний қайд этиш орқали тўпланган маълумотлар; жиноят-процессуал ҳаракатини ўтказиш тартиб-тамоийллари асосида далилларни тўплаш; далилларни баҳолаш субъекти томонидан далилларнинг олинishi шартлиги таҳлил этилган.

Кўрсатувлар зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олинishi далилларнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлиши юзасидан тадқиқот олиб борилди ҳамда дастлабки терговда тақиқланган ҳолатларни тадқиқ этилиши, далилларга баҳо бериш жараёни янада такомиллашуви шахс манфаатларига хизмат қилади ва далилларни баҳолаш субъектининг масъулияти ва жавобгарлик ҳиссини янада оширади.

Муаллиф далилнинг ишочлилиги хусусиятлари: далил мазмун-моҳиятининг ҳақиқат мезонларига асосланганлиги; далилларни текшириш натижаларининг ҳаққонийлиги; далилнинг қонуний манба ва ваколатли шахслар томонидан олинганлиги; билиш назарияси қонуниятлари асосида ишончилиликни аниқлаш мавжудлигидан ташкил топганлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи томонидан далилларнинг ишончилигини аниқлашда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги таклиф этилган:

1) маълумотга эга бўлган шахсларнинг (гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис ва бошқалар) ҳаққоний ва тўла кўрсатувлар бера олиш имкониятларини текшириш ва баҳолаш;

2) нарса ва ҳужжатларнинг олиш шароитлари ва уларнинг тавсифини

ўрганиш;

3) маълумотларни процессуал қайд этишни рақамли платформада амалга ошириш (баённоманинг тўлиқ ва изчиллиги, ундаги зиддиятлар, ноаниқликларнинг бартараф этилганлиги, ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш зарурати, хулосаларнинг асослантирилганлиги кабилар);

4) жинойт-процессуал қонунида кўрсатилган асосий манбадан олинган ахборотларни бошқа турли манбалардан олинган ахборотлар билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш.

Муаллиф далилларнинг ишончлилиги шартларини таҳлил этиб, унинг далиллар мақбуллиги билан фарқи, ўртадаги тафовут нимада эканлигини асослантирган. Гувоҳнинг кўрсатмалари ишончлилигини аниқлашда экспертлар, психологлар ва мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш ҳолатлари таҳлил этилиб, бир қатор Европа мамлакатлари, хусусан Германия, Швейцария ва Буюк Британияда гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилигини аниқлаш уч босқичдан иборат бўлган «**комплекс ташхис усули**»дан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши, яъни: гувоҳнинг руҳий ҳолатини таҳлил қилиш; гувоҳда ёлғон кўрсатувлар бериш мотивларини таҳлил қилиш; кўрсатувларнинг ўзини бевосита таҳлил қилиш усуллари келтириб ўтилган.

Тадқиқот ишида далилларнинг ишга алоқадорлиги хусусияти уларнинг жинойт иши бўйича тадқиқ этилаётган ҳолатлар билан объектив боғлиқлиги асослантирилган ҳамда далиллар алоқадорлигининг мазмун-моҳиятини очиб беришда: жинойт ишини қонуний ҳал этиш учун барча ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи маълумотлар мавжудлиги; жинойт ишини қонуний ҳал этиш учун барча ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни рад этувчи маълумотлар мавжудлиги; жинойт ишини қонуний ҳал этиш учун барча ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни шубҳа остига қўювчи фактлар ёки маълумотлар мавжудлиги; алоқадор эмас деб топилган маълумотларни текшириш натижасида бошқа жинойтлар содир этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжудлиги асослантирилган.

Шунингдек, далилларни ишга алоқадор деб топиш учун унинг қуйидаги шартлари тадқиқ этилган: далилларни баҳолаш предметиға кирувчи ҳолатларни аниқлаш; уларнинг йиғиндиси келгусида далилларни баҳолаш предметиға кирувчи ҳолатларни аниқлашга имкон берувчи оралиқ фактларни аниқлаш; бошқа далиллар орқали аниқланган факт ва ҳолатларни аниқлаш; иш бўйича тадқиқ этилаётган бошқа версияларга тааллуқли фактларни инкор этиш; тўпланган фактик маълумотларнинг шаклланиши, сақланиши, тақдим этилиши шакллари тадқиқ этиш усули орқали далилларнинг тўлиқлиги, ишончлилигини текшириш.

Далилларни етарли деб топиш учун қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинishi муаллиф томонидан асослантирилган: далиллар мажмуи ва улар асосида қабул қилинадиган процессуал қарорлар жинойт процессининг қайси босқичида қабул қилинаётганлиги; қарорлар қабул қилиш учун фактик асос вазифасини ўтайдиган ҳолатлар доираси, унинг мақсадлари мавжудлиги. Шунингдек, далилларнинг етарлилиги мезони билан бир қаторда жинойт



ишларини юритишда исботлаш доирасининг илмий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишларини юритишда далилларга баҳо бериш институти истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида далилларга баҳо беришнинг мантиқий тизими ва субъект тафаккури, далилларга баҳо беришда ички ишонч ва унинг шаклланишига замин яратувчи ҳамда самарадорлигини оширувчи омиллар, далилларга баҳо беришда қонунга амал қилиш ва ҳуқуқий онг категорияларини такомиллаштириш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган.

Муаллиф томонидан субъектларнинг мантиқий фикрлаш орқали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, яъни: далилларни қидириш, топиш ва тўплаш; таниб олиш, солиштириш ва ажратиш; тушунтириш (талқин этиш); асослантириш; башорат қилиш (олдиндан натижани айтиш); воситалар ва ўтказиладиган ҳаракат турини танлаш; баҳолаш кабилар таснифлаб берилган.

Далилларга баҳо беришда ички ишонч масаласи мазмун-моҳиятини жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг мантиқий фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари ва ҳақиқий ҳодисалар тўғрисидаги билимлари ташкил этади. Бу борада тадқиқотчи томонидан турли назарий ва амалий билимлар ҳамда ички ишонч баҳолаш натижаси, якуни сифатида далиллар мажмуи тизимидан келиб чиқадиган ягона хулоса мавжудлигини англантишига оид хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш йўллари кўриб чиқилган. Ички ишонч далилларга баҳо беришнинг якуний натижаси тарзида гносеологик, мантиқий ва психологик жиҳатларга эгаллиги таҳлил этилган ва бу борада қуйидаги хулосага келинган:

1) далилларга ички ишонч асосида баҳо беришнинг гносеологик жиҳати жиноят ишларининг муайян босқичида зарур процессуал қарорлар чиқариш учун исботлашнинг бошланғич, оралиқ ва якуний босқичларида тўпланган билимларнинг мавжудлигига бўлган ишончнинг натижасидир;

2) далилларга ички ишонч асосида баҳо беришнинг мантиқий жиҳати далилларни якуний баҳолашда бевосита жиноят иши материалларидан келиб чиқувчи, шубҳа гумонга ўрин қолдирмайдиган ягона ишончли билимлар билан бирга бу масалалар юзасидан қарама-қарши фикрлар мавжудлиги ҳақидаги билимларга эга бўлишни талаб этади;

3) далилларга ички ишонч асосида баҳо беришнинг психологик жиҳати далилларга баҳо бериш ваколатига эга бўлган шахснинг руҳий ҳолатини ифодалаб, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларнинг тўғрилиги юзасидан ишонч туйғусининг мавжудлиги билан изоҳланади. Далилларга баҳо бериш тизимининг такомиллашуви, ҳуқуқий билим даражаси ортиб бориши билан мазкур ишонч тобора мустаҳкамланиб боради.

Жиноят иши бўйича далилларга баҳо беришда мафкуравий ва руҳий фактор сифатида ҳуқуқий онгнинг аҳамияти анча мураккаблигини эътиборга олиб, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маъданият ва бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда субъектларнинг идрок этиш қобилияти ва

бошқа психологик факторлар тизимининг муҳим ўрин эгаллаши кўрсатиб ўтилган. Ҳуқуқий онг нафақат инсоннинг ижтимоий муносабатлар ва ҳодисаларнинг юридик маъносини тўғри тушунишда, балки ўзининг субъектив эркин баҳосини бера олишда ва хоҳиш-иродасини ҳуқуқ талабларига онгли тарзда бўйсундиришда намоён бўлади ҳамда далилларни тўғри баҳолаш учун ҳуқуқ нормаларининг мазмунини билиш ва тушуниш, уларни қўллашда қонунийликка оғишмай ва қатъий амал қилиниши хусусидаги муҳим жиҳатлар муаллиф томонидан тадқиқ этилган.

## ХУЛОСА

Жиноят ишини юритишда далилларга баҳо бериш институтини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот натижаларига мувофиқ илмий-назарий, амалий ва суд-тергов фаолиятини яхшилашга доир қуйидаги таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

### **1. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар.**

Диссертант томонидан қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари берилган:

1. **Далил** ташқи таъсир натижасида пайдо бўлувчи инсон онгида шаклланадиган фактлар ва далилларни баҳолаш субъекти томонидан аниқланадиган ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳақиқат тамойилларини ўзида акс эттирувчи маълумотлар йиғиндисидир.

2. **Рақамли (электрон) далил** рақамли манбалар хусусиятларини ўзида жамлаган электрон-техник қурилма, мослама ёки воситалар ёрдамида чоп этилган, узатилган ва ташилган жиноят иши учун аҳамиятли бўлган маълумотлар ёки хабарлар йиғиндисидир.

